

АЛИШЕР НАВОЙИ МАҚБАРАСИ ТАЪМИРЛАНАДИ ВА ОБОДОНЛАШТИРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 31 май куни туризм, шаҳар инфратузилмаси, саноат соҳаларидаги лойиҳалар ҳамда Алишер Навоий мақбарасини таъмирлаш ва тиклаш борасида амалга оширилаётган ишлар тақдими билан танишди.

Лойиҳалардан бири Чирчиқ дарёси бўйида турли инфратузилма объектлари барпо этишга оид. Мазкур дарёнинг Тошкент шаҳридан ўтган қисми 16 километрни ташкил этади. Лойиҳага кўра, дарё ўзани қисқартирилиб, кирғоқлари ободонлаштирилади. Бунинг эвазига очиладиган майдонларда замонавий уй-жойлар, дам олиш масканлари, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш иншоотлари қурилиши режалаштирилган.

Яна бир лойиҳа Тошкент халқаро аэропортидан шаҳар марказига ўтишдаги кўприкни кенгайтиришга қаратилган. Ҳозирги йўл ўтказгич 1967 йилда қурилган. Пойтахтимиз ривожланиши ва транспортлар сони ошиши билан уни реконструкция қилиш эҳтиёжи пайдо бўлди. Шу боис, ушбу кўприкнинг Кичик халқа йўли билан кесишган жойида айланма шаклидаги йўл ўтказгич қуриш режалаштирилган. Унинг узунлиги 650, эни 30 метр бўлиши мўлжалланган.

Бу муҳандислик ечими автотранспортларнинг кўприкка чиқиши ва тушишини осонлаштиради. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлайди. Бу ердаги қулайлик яқин атрофдаги кўчаларга ҳам таъсир қилиб, тирбандлик камайишида муҳим омил бўлади.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарига пойтахтимиздаги Технопаркда амалга оширилиши режалаштирилган инвестиция лойиҳалари тақдим қилинди.

Хусусан, ушбу ҳудудда йилга 1 миллион дона кир ювиш машинаси, 15 минг тонна мис қувур, 3000 дона саноат сув иситиш ускунаси, 75 минг дона савдо совутигичлари ва музлатгичлари, 1 миллион квадрат метр НРЛ-панеллар ва полиизоцианурат қатламли сэндвич-панеллар, 30 минг тонна базальт тошдан изоляция маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича қувватлар ташкил этиш режалаштирилган.

Жорий йил охиригача ишга туширилаётган лойиҳалар натижасида 2 мингдан зиёд иш ўрни яратилади.

Миллий боғ ҳудудида барпо этилаётган Magic City маданият ва истироҳат боғининг иккинчи босқичи доирасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ҳам маълумот берилди.

Лойиҳа концепциясига мувофиқ, боғ ҳудудида сунъий кўл ташкил этилади ва унинг атрофида мамлакатимизнинг тарихий ва диққатга сазовор масканларига бағишланган тематик шаҳарча қурилади.

Президентимиз буюк шоир ва мутафаккир бобомиз Алишер Навоий мақбарасини таъмирлаш ва тиклаш, унинг атрофини ободонлаштириш лойиҳасига алоҳида эътибор қаратди.

Афғонистоннинг Ҳирот шаҳридаги Алишер Навоий мақбараси мажмуасида қурилиш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш

имкониятларини ўрганиб чиқиш вазираси Президентимизнинг 2020 йил 19 октябрдаги "Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қароридан белгиланган эди.

Ушбу топшириқ ижросини таъминлаш доирасида мамлакатимиз мутахассислари афғонистонлик ҳамкасблари билан биргаликда мақбарани жойида ўрганди. Урганишлар натижасида анъанавий меъморчилик, санъат ва безак элементларидан фойдаланган ҳолда мақбарани таъмирлаш ва тиклаш лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Бугун тақдим этилган лойиҳага кўра, мақбаранинг кириш ва қолган йўлақларига Ҳазрат Навоийнинг ҳикматли сўзлари битилган китоб қўриғидаги белгилар қўйилади ҳамда декоратив ўтиригичлар ўрнатилади.

Кириш қисмида сажиз бурчакли масжид бунёд этилади. Кириш пештоғидан ҳовли қисмининг чап ва ўнг томонида ёпиқ услубда айвонлар барпо этилади. Мақбаранинг ташқи кўринишига безак берилди. Гумбаз, мақбара олди ва ён қисмлари майолика элементлари билан ишланади. Мажмуа ҳудуди кўкаламзорлаштирилади.

Давлатимиз раҳбари лойиҳалар билан танишиб, мутасаддиларга уларни сифатли амалга ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

"IJO.GOV.UZ" ИЖРО ИНТИЗОМИ ИДОРАЛАРАРО ЯГОНА ЭЛЕКТРОН ТИЗИМИ САМАРАЛИ ФАОЛИЯТ КЎРСАТИШНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар бажарилишининг таъсирчан тизимини яратишда "Ijo.gov.uz" ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими ўрнини мустақамлаш, унинг аҳамиятини янада ошириш ҳамда самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги "Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ — 6166-сон Фармони билан:

"Ijo.gov.uz" ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими (кейинги ўринларда — "Ijo.gov.uz" тизими) орқали қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойиши ва топшириқлари (кейинги ўринларда — қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар) ижросини назорат қилишнинг мутлақо янги тизими жорий қилинганлиги;

2021 йил 1 майдан бошлаб барча давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ижроини назорат қилиш, назорат картотекаларини юритиш ва ҳисоботларни шакллантириш фақат

"Ijo.gov.uz" тизимида амалга оширилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини таъминлашнинг 1 ва 2-ивозларга мувофиқ қуйидаги тартиби жорий этилсин:

Биринчи босқич — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларни "Ijo.gov.uz" тизимида киритиш учун Адлия вазирлигига юборилади;

Иккинчи босқич — Адлия вазирлиги "Ijo.gov.uz" тизимида назоратга олинадиган топшириқларни киритади, мазкур топшириқлардан келиб чиққан ҳолда масъул ижрочилар ва бажариш муддатларини белгилайди. Бунда, Вазирлар Маҳкамаси Ҳукумат тизимидаги давлат бошқаруви органлари, ҳужжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар бўйича ўзининг аппаратида топшириқлардан келиб чиққан ҳолда, масъул ижрочини, зарур бўлганда, вазирлик ва идораларни белгилайди ҳамда топшириқларни назоратга олади;

Учинчи босқич — давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, ҳужжалик бирлашмалари қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларни тўлиқ ва ўз вақтида

бажарилишини таъминлайди ва бу ҳақда "Ijo.gov.uz" тизимида белгиланган шаклдаги маълумотларни киритади;

Тўртинчи босқич — Адлия вазирлиги қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси бўйича масъул ижрочилар томонидан "Ijo.gov.uz" тизимида киритилган маълумотлар тўлиқлиги ва ҳаққонийлигини текширади, уларни тасдиқлайди ёки масъул ижрочига қайта ишлашга жўнатади, шунингдек, қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижро ҳолати тўғрисидаги умумлаштирилган маълумотларни ҳар ойда Вазирлар Маҳкамасига киритиб боради;

Бешинчи босқич — Вазирлар Маҳкамаси "Ijo.gov.uz" тизимида Ҳукумат тизимидаги давлат бошқаруви органлари, ҳужжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар томонидан киритилган ҳамда Адлия вазирлиги томонидан текширилган маълумотлар тўлиқлиги ва ҳаққонийлигини текширади, уларни тасдиқлайди ёки масъул ижрочига қайта ишлашга жўнатади, шунингдек, ҳар ойда Раёсат мажлисларида қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси натижадорлигини танқидий кўриб чиқади ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига тегишли тақлифлар билан биргаликда умумлаштирилган маълумот киритади;

Давоми 2-бетда

МУНОСАБАТ



ЎЗБЕКИСТОННИНГ АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИГИ КЕНГАЯДИ



СОДИҚ САФОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг куни кеча Жанубий Корея пойтахти Сеул шаҳрида ўтган "Яшил ўсиш ва глобал мақсадлар учун ҳамкорлик — 2030" иккинчи халқаро саммитидаги иштироки ва нутқи халқаро экспертлар, иштирокчи давлатлар томонидан катта қизиқиш билан қарши олинди.

транспорт йўлақларини очиш, камбағалликни тугатиш, ёшлар сиёсати борасида Ўзбекистон етакчисининг илғор ғоялари, ташаббуслари қўллаб-қувватланганда ўз аксини топади.

Албатта, буларнинг ҳар бири алоҳида муҳим мавзу. Шу боис, биз мавриди келганда, Шавкат Мирзиёев ташаббуси асосида яқинда Оролбўйини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди, деб эълон қилиш тўғрисида БМТнинг махсус резолюцияси қабул қилинганлиги алоҳида мамнуният билан қайд этмоқчимиз.

Мазкур резолюциянинг минтақавий аҳамияти ҳақида қисқача айтиладиган бўлса, кўз олдимизда қуйидаги манзара жонланади.

Оролнинг чекиниши минтақادا таҳликали вазиятни юзага келтирди. Иқлимнинг салбий ўзгаришлари экологияга, иқтисодийга, ижтимоий ҳаётга, МДҲ давлатлари ўртасидаги савдо алоқаларига жиддий путур етказди.

Кейинги 3-4 йилда Ўзбекистон етакчиси Шавкат Мирзиёев ана шу глобал муаммага узоқни кўзлаб, ғоят тўғри, илмий асосланган йўл билан ёндашиб ҳал қилишга киришгани бугун барчаннинг кўз унгида намоён. Минглаб гектар майдонда саксовулзор, ўрмонлар ташкил қилинмоқда. Оролбўйидаги ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти қайта тикланыпти. Ҳудудга инвестиция киритиш, инновацион ғояларни татбиқ этиш борасида ҳам катта ишлар қилинди.

БМТнинг махсус резолюцияси эса бу борадаги саъй-ҳаракатларга халқаро академик доираларни, илмий тадқиқотчиларни жалб қилиш имконини беради. Таъбир жоиз бўлса, эндиликда Оролбўйи минтақаси дунёни экохафлардан сақлаш, нафақат сақлаш, балки бундай таҳликали шароитда қандай йўл тутиш, экологик инновацияларни қандай қўллаш ва замонавий технологиялар асосида вазиятдан унумли фойдаланиш борасида катта тажриба майдонига айланади.

Муҳим жиҳатларидан яна бири — инсон ва табиат ўртасидаги мувозанатни сақлаш, табиий атроф-муҳитта тўри ёндашуви шакллантириш йўлида дунё халқларини огоҳликка чорлаб туради.

ОГОҲЛИК ҚЎНГИРОҒИ

Давлатимиз раҳбарининг Сеул шаҳрида ўтган "Яшил ўсиш ва глобал мақсадлар учун ҳамкорлик — 2030" иккинчи халқаро саммитидаги нутқи халқаро ҳамжамияти яна бир бор она табиатга буюк меҳр, жуда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, табиий бойликлардан унумли, асраб-авайлаб фойдаланишга чорлади, дейишга асосларимиз бор.

Президент нутқидан: "Бугунги кунда "Яшил тараққиёт" борасидаги мақсадларга эришиш учун мамлакатларнинг ҳаракатлари янада фаол ва самарали бўлиши кераклигига ҳеч қим шубҳа қилмаяпти. Бошқа чорамиз ҳам йўқ".

Давоми 2-бетда

ИНСОН МАНФААТЛАРИ — ҲАММА НАРСАДАН УСТУН

ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИ — АМАЛДА: НОГИРОНЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯ РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИНДИ



АКМАЛ САИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида илгари сурган миллий, минтақавий ва халқаро ташаббуслар кенг жамоатчилигимиз ҳамда жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Бундай ижобий муносабат, бир томондан,

Ўзбекистоннинг давлатимиз раҳбари белгилаб берган миллий тараққиёт йўлидан оғишмай, дадил одимлаётганини тасдиқласа, иккинчи томондан, халқаро майдонда ўрни ва нуфузи тобора мустақамлашиб бораётганига яна бир ёрқин далилди.

Давоми 3-бетда

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни



Ҳаним ЮЛДОШЕВ олган сурат.

6-бетга қаранг.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

“IJRO.GOV.UZ” ИЖРО ИНТИЗОМИ ИДОРАЛАРАРО

ЯГОНА ЭЛЕКТРОН ТИЗИМИ САМАРАЛИ ФАОЛИЯТ КЎРСАТИШИНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

олтинчи босқич — Ҳисоб палатаси “Ijro.gov.uz” тизимида масъул ижрочилар томонидан киритилиб, Адлия вазирлиги ва Ҳукумат томонидан текширилган маълумотлар тўлиқлиги ва ҳаққонийлигини текширади, уларни назоратдан ечади ёки масъул ижроچига қайта ишлашга жўнатади, шунингдек, қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижро ҳолати бўйича ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб боради;

еттинчи босқич — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини назорат қилувчи ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиради;

3. Ижро интизоми мустақамлаш бўйича ягона ва узлуксиз “технологик занжир”ни ташкил қилиш борасидаги устувор йўналишлар этиб қуйидагилар белгилансин:

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар лойиҳаларини ҳар томонлама пухта ҳамда юксак профессионал даражада тайёрлаш;

бошқарув тизимини, замонавий Ўзбекистонни ривожлантиришнинг янги босқичини, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани, шунингдек, республика ҳудудларини мақсадли ҳамда устувор вазибаларга мувофиқ такомиллаштириш;

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини самарали ва режалли ташкил қилиш, уларнинг бажарилиши ҳолатини мақсадли ўрганиш ва аниқланган камчиликлар бўйича тезкор чоралар кўриш;

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлардаги назорат бандларида аниқ механизмлар, муддатлар ва масъуллар белгиланиши бўйича “йўл хариталари”ни (ҳаракат режаларини) ўз вақтида ишлаб чиқиш;

давлат органлари ва ташкилотларининг ижро интизомига масъул бўлиналарининг ижро интизоми мустақамлашдаги ролини ошириш; ташкилий, ижро ва назорат фаолияти ягона тизимнинг натижадорлиги учун давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг шахсий масъулиятини белгилаш.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра “Ijro.gov.uz” тизими орқали назорат ва ҳисобдорликни ташкил этишда:

давлат органлари ва ташкилотлари қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар бажарилиши бўйича назорат ва ҳисобдорликни 3-иловага мувофиқ тартибда ташкил этади, қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг тўлиқ ва ўз вақтида бажарилишини таъминлайди ҳамда бу ҳақда “Ijro.gov.uz” тизимига тегишли маълумотларни киритади;

маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳудудларда қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар бажарилиши бўйича назорат ва ҳисобдорликни 4-иловага мувофиқ тартибда ташкил этади, қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг жойларда тўлиқ ва ўз вақтида бажарилишини таъминлайди ҳамда бу ҳақда “Ijro.gov.uz” тизимига тегишли маълумотларни киритади;

ҳўжалик бирлашмалари қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар бажарилиши бўйича назорат ва ҳисобдорликни 5-иловага мувофиқ тартибда ташкил этади, қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг жойларда тўлиқ ва ўз вақтида бажарилишини таъминлайди ҳамда бу ҳақда “Ijro.gov.uz” тизимига тегишли маълумотларни киритади.

5. “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими орқали қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойиши ва топшириқлари ижросини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низоом 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Белгилансинки: қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларда ижро муддати белгиланмаган ёки ижро муддати бир йил ва ундан ортиқ этиб белгиланган топшириқларнинг бажарилиши бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумот ҳар олти ойда масъул ижрочилар томонидан “Ijro.gov.uz” тизимига киритиб борилади;

“Ijro.gov.uz” тизимига давлат органлари ва ташкилотларини улаш ва уларнинг “Ijro.gov.uz” тизимидан фойдаланишини таъминлаш Давлат бюджети ҳамда бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойиши ва топшириқларида белгиланган ижро муддатлари фақатгина Адлия вазирлиги ва, зарур ҳолларда, Вазирлар Маҳкамаси томонидан кўриб чиқилиб, Ҳисоб палатаси ҳулосаси олинган тақлифлар асосида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти руҳсати билан узайтирилади;

маҳфийлик белгиси остидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойиши ва топшириқлари маълумотлар базасини юритиш ҳамда уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли тарихий бўлиналари масъул ҳисобланади.

7. Молия вазирлиги “Ijro.gov.uz” тизимига давлат органлари ва ташкилотларини улаш ва уларнинг “Ijro.gov.uz” тизимидан фойдаланишини таъминлаш билан боғлиқ мақсадлар учун маблағларни 2021 йилда Давлат бюджети параметрлари доирасида, 2022 йилдан бошлаб эса давлат органлари ва ташкилотларининг асосланган ҳисоб-китобларига мувофиқ ҳар йили зарур бюджет маблағларини назарда тутсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 октябрдаги “Давлат органлари ва ташкилотларида ижро интизоми янада мустақамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ—3962-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Адлия вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2022 йил 10 январга қадар “Ijro.gov.uz” тизими орқали қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини ташкил этишда юзага келган муаммолар ва мавжуд камчиликларни бартараф этиш, “Ijro.gov.uz” тизими самарадорлигини ошириш ҳамда ижро интизоми янада мустақамлаш мақсадида ушбу қарор билан тасдиқланаётган вақтинчалик низоомни такомиллаштириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

10. Қуйидагиларга: Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиларига — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясида ижро интизоми таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойиши ва топшириқларининг амалда бажарилишида кўмаклашиш учун;

Бош вазир, Бош вазир ўринбосарлари ва маслаҳатчиларига — қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар масъул давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият

органлари, ҳўжалик бирлашмалари томонидан тўлиқ ва ўз вақтида бажарилиши юзасидан ишларнинг ташкил қилиниши учун;

Ҳисоб палатаси раисига — давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, ҳўжалик бирлашмаларида ижро интизоми тегишли даражада таъминлаш учун;

адлия вазирига — қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ўз вақтида бажарилишининг назорати олиб борилиши, “Ijro.gov.uz” тизими самарали юритилиши ҳамда манзилли ва тематик таҳлилларнинг сифатли ташкил этилиши учун;

ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирига — “Ijro.gov.uz” тизими узлуксиз ишлаши ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича доимий асосда чоралар кўриб борилиши учун;

давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, ҳўжалик бирлашмалари раҳбарларига — қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг тўлиқ ва ўз вақтида бажарилиши, шунингдек, уларнинг ижро ҳолати тўғрисидаги маълумотлар “Ijro.gov.uz” тизими орқали тўлиқ, тўғри ва ўз вақтида тақдим қилиниши учун шахсий жавобгарлик юклансин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари Ш.Ш. Низомидинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2021 йил 31 май



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

Мамлакатда импортни оптималлаштириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар натижадорлиги бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда вазирлик ва идоралар, ҳўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарларининг ҳисоботи эшитилди.

Мажлиса инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари А. Воитов, Давлат божхона кўмитаси раиси М.Азимов, Давлат солиқ кўмитаси раиси Ш. Кудбиев, иқтисодий тараққиёт ва қамбағалликни қисқартириш вазирининг ўринбосари Б. Абдиназаров, Тошкент шаҳар ҳокими Ж. Ортиққўжаев ва Фарғона вилояти ҳокими Х. Бозоров иқтисодиётнинг базавий тармоқлари ва ҳудудларда импортни оптималлаштириш бўйича қўрилаётган чора-тадбирларнинг натижадорлиги, божхона омборларида узоқ муддат сақланаётган товарлар ҳажмини қисқартириш, оффшор ҳудудлардан амалга оширилаётган импорт ҳажмини камайтириш, саноат кооперациясини кенгайтириш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисобот берди.

Ийгилишда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш, ҳисобот даврида импорт ҳажмини қисқартириш бўйича камчиликлар кўриб чиқилиб, масъулиятсизликка йўл қўйган раҳбарларга нисбатан таъсирчан чоралар қўлланилиши таъкидланди. Импорт ўрнини босишни кенгайтириш доирасида мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари кўламини янада ошириш ва сифат жиҳатидан рақобатбардорлигини кучайтириш ҳамда жойларда ва тегишли тармоқ корхоналарида янги ишлаб чиқариш линияларини ташкил этиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш белгиланди.

Бунда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилди: импорт таркибининг пухта таҳлили асосида мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари негизинда импорт ўрнини босувчи янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ва рақобатбардор янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш; вазирликлар, идоралар ва ҳўжалик бирлашмалари раҳбарларига, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига импорт қилинаётган хомашё ва ярим тайёр маҳсулотларни етказиб беришчи давлатлардаги нархларни ўрганиб чиқиш, ҳар томонлама қўлай бозорлар қўлай топши ва мазкур йўналишда ишларни тизимли йўлга қўйган ҳолда, иқтисодий жиҳатдан самарасиз бозорлардан воз кечиш ва мавжуд импорт шартномаларини кайтадан тўлиқ ҳатловдан ўтказиш.

вазирликлар, идоралар ва ҳўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига Давлат божхона кўмитаси билан ҳамкорликда узоқ муддатдан буён божхона омборларида сақланаётган маҳсулотларни тўлиқ ҳатловдан ўтказиш ҳамда уларни импорт режимида расмийлаштиришни таъминлаш бўйича аниқ чоралар белгиланди.

Мажлис якунида давлат улуши бор корхоналар раҳбарларининг маҳаллийлаштириш саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича биринчи ўринбосарлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича ёрдамчиларини аттестациядан ўтказиш юзасидан топшириқлар берилди.



ЎЗБЕКИСТОННИНГ АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИГИ КЕНГАЯДИ

Бошланиши 1-бетда

Шу кунларда, ҳали май ойиданоқ ҳаво ҳарорати юқорилаб бораётганига ўзимиз гувоҳимиз.

Бунга сабаб нима? Инсоннинг табиатга нисбатан шафқатсиз муомаласи.

Натижада биохилма-хиллик қисқариб борапти. Бу дарёлар суви камайиши, сув ҳавзалари қуриши, ўрмонлар йўқолиб кетишига олиб келади.

Табиийлик чекинмоқда. Бугунги даражасини оширадиган газларга, атмосферанинг ифлосланишига эътиборсиз бўлиб қолдик. Бу ҳам кўпга янги ва жиддий муаммоларни келтириб чиқаради: бугунги даражаси пасаяди, ўсимлик ва ҳайвонот олами зарар кўради. Шу тариқа инсон ва табиат ўртасидаги азалий мувозанат бузилади.

Шу боис, Шавкат Мирзиёев “яшил тараққиёт” борасидаги мақсадларга эришиш учун мамлакатларнинг ҳаракатлари янада фаол ва самарали бўлиши кераклигига эътибор қаратгани ҳеч кимни безъэтибор қолдирмади. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бугунги кунда она табиятнинг ўзи бизга йўлаётган оғоҳлик кўнгирогога бепарво бўлмаслигимиз керак.

Президент нутқидаги муҳим йўналишлар:

Биринчидан, “яшил технологиялар”ни кенг жорий этиш ҳисобидан Орол денгизи ҳалокатининг глобал оқибатларини бартараф этиш.

Бу ташаббусни халқаро ҳамжамият юқори баҳолади.

Таъбир жоиз бўлса, давлатимиз раҳбарининг бу ташаббуси Орол фожиясининг глобал оқибатларини бартараф этиш бўйича навбатдаги муҳим қадам бўлди.

Таъкидлаш жоизки, узоқ йиллар Орол денгизи суви тортилишининг салбий оқибатлари ҳақида кўп гапирилди, халқаро ҳужжатлар, молиявий манбалар жалб

этилди. Лекин биронтасининг амалий натижаси кўринмади, ҳудуд аҳолиси ижобий манзараларни сезмади.

Такрор бўлса-да айтмас, кейинги 3-4 йилда Оролбўйи минтақасида кўп ижобий ишлар бўлдики, бугун ҳаракатлар самараси ҳамнинг кўз олдига намоён.

Бу ишларнинг мантийқий давоми сифатида Шавкат Мирзиёевнинг БМТ қўшида тузилган махсус Траст фонди ҳамда P4G доирасида фаол ҳамкорликни йўлга қўйиш тақлифи



Сеул саммитининг муҳим ютуғи бўлиши шубҳасиз.

Иккинчидан, “яшил энергетика”ни ривожлантириш орқали углерод ёқилқисига боғлиқликдан қутулиш.

Маълумки, Ўзбекистонда қуёш ва шамол электр станцияларини қуриш бўйича йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Айтилик, мамлакатимизда умумий қуввати 1 ГВт бўлган қуёш электр станцияларини қуриш миллий дастури муваффақиятли амалга оширилмоқда. Шунингдек, яқинда умумий қуввати 440 МВт бўлган қуёш электр станцияларини қуриш бўйича ҳам танлов ғолиблари аниқланди.

Бу ва бошқа лойиҳаларнинг ҳаётга табиғи яқин ўн йилда мамлакатимизда қайта тикланадиган энергия манбалари улушини

уч баробар кўпайтириш имконини беради.

Шу мисолларнинг ўзиде Ўзбекистонда “яшил энергетика”дан унумли фойдаланиш борасида жиддий қадамлар қўйилаётганидан далолат.

Албатта, бу борадаги ишларни кенг қамров билан ташкил этиш давлатлараро ҳамкорликда ташкил этилса, нур устига нур бўлади. Шу нуқтаи назардан, Шавкат Мирзиёев саммитда яна бир муҳим тақлифни билдирди.

Президент нутқидан: “Келгуси йили Ўзбекистонда “Ривожланаётган мамлакатлар учун яшил энергетика” мавзусида халқаро конференция ўтказишга таяйимиз”.

Бу конференциянинг аҳамияти ҳақида гапирганда Жанубий Корея Халқаро иқтисодий сибасат институти президенти Ким Хин Чоннинг қуни кеча билдирган эътирофи етарли, деб ўйлаймиз: “Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йилда Ўзбекистонда “Ривожланаётган мамлакатлар учун яшил энергетика” мавзусида халқаро конференция ўтказиш ташаббуси халқаро ҳамжамият томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланди, деб ўйлайман. Зеро, “яшил” энергия мамлакатларда турли лойиҳаларни илгари суриш учун муҳим аҳамиятга эга”.

Учинчидан, “яшил иқтисодиёт”ни барпо этишда ёшларни фаол жалб қилиш бўйича Махсус дастурни амалга оширишга киришиш.

Бу тақлиф ҳам ғоят сермазмунлиги билан ажралиб туради.

Президентимиз таъбири билан айтганда, “яшил иқтисодиёт”ни барпо этишга ёшларни фаол жалб этиш “яшил”, яъни экологик тоза маҳсулотларни истеъмол қилиш маданиятини шакллантиришга катта имконият яратди.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, бугун дунёда табиий озикланган, экологик тоза ва хавфсиз маҳсулотларга талаб ортиб бормоқда. Масалан, Германияда фақатгина табиий маҳсулотлар етиштиришга ихтисослашган фермер ҳўжалиқларини кўпга учратиш мумкин.

Бизнинг минтақада экологик тоза маҳсулотларни етиштириш учун қўлай иқлим ва етарли шароитлар борлигини инобатга олганда, ёшларни “яшил иқтисодиёт” билими билан тарбиялаш келажак авлодлар саломатлиги учун қанчалик муҳим аҳамиятга эгаллигини англаш мушкул эмас.

Тўртинчидан, молия сектори ва инвесторларнинг “яшил технологиялар”га тобора ортиб бораётган ишончини рабатлантириш ниятида яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш.

Айтиш мумкинки, иқтисодиёт инвесторларини, инвесторлар эса ишончли, қўлай ва тоза муҳитни олиқшлайди.

Шу нуқтаи назардан ёндашганда, “яшил технологиялар” мамлакатни инновацион услубларни ўзлаштирган инвесторлар учун шубҳасиз жозибадор ҳудуд саналади.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон P4G йўналишидаги шерикликка қўшилиш ва унинг тўлақонли иштирокчисига айланишига таяйлигини билдирди. Бу ташаббус ҳам яқин келажакдаги иштиробли йўналишларни белгилаб бериши билан аҳамиятли.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон етакчисининг Сеул шаҳрида ўтган “Яшил ўсиш ва глобал мақсадлар учун ҳамкорлик — 2030” иккинчи халқаро саммитидаги иштироки ва нутқининг муқамал изоҳи бор. Яъни Ўзбекистоннинг халқаро экологик платформаларда фаол иштирокини янада кенгайтиради. Шу орқали минтақада экологик барқарорликни таъминлаш, мамлакатга инвестициялар оқимини кенгайтириш, энг муҳими, халқларимизнинг табиат билан уйғун яшаши учун замин яратди.

ИНСОН МАНФААТЛАРИ — ҲАММА НАРСАДАН УСТУН

ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИ — АМАЛДА: НОГИРОНЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯ РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИНДИ



Бошланиши 1-бетда

МИЛЛИЙ ҚОНУНДАН ХАЛҚАРО КОНВЕНЦИЯ САРИ

Биринчидан, 2021 йил 18 май куни БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессияси ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти тақлифига биноан Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди, деб эълон қилиш тўғрисидаги махсус резолюция бир овоздан қабул қилинганини таъкидлаш лозим.

Дунёнинг турли минтақаларидаги 60 га яқин давлат мазкур резолюцияда ҳаммуаллиф сифатида иштирок этгани эътирофга сазовор.

Иккинчидан, Олий Мажлис Сенатининг 29 май куни бўлиб ўтган мажлисида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг "Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияси (Нью-Йорк, 2006 йил 13 декабрь) ратификация қилиш ҳақида" ги қонуни лойиҳаси муҳокама этилди ва тасдиқланди.

Президент Шавкат Мирзиёев 2021 йил 22 февраль куни БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги нутқида бу ҳақда тўхтаганини айтиди. Давлатимиз раҳбари юксак минбардан туриб, **имконияти чекланган шахсларнинг ўз қобилиятини тўла рўйга чиқариш масалалари бўйича минтақавий кенгаш тузиш тақлифини** халқаро ҳамжамият эътиборига ҳавола этар экан, Ўзбекистонда алоҳида эҳтиёжга эга бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашга жиддий эътибор қаратилаётганини таъкидлагани бежиз эмас.

ПРЕЗИДЕНТНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ТАШАББУСИ: ИЗЧИЛЛИК ВА САМАРА

Ўзбекистон ҳукумати БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини 2009 йил 27 февралда имзолаган. Ушунда мамлакатимиз конвенцияни келгусида ратификация қилишга ишонч билдирган. Афсуски, Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни муваффақиятли амалга ошириш учун зарур бўлган айти ратификация масаласи чўзилиб кетди.

Шу маънода кейинги йилларда бу борадаги амалий ишлар шиддатли тус олгани диққатга лойиқ. Ўзбекистон Республикасининг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга қўшилишига оид масала давлат раҳбарининг қуйидаги дастурий ҳужжатларида:

Биринчидан, "Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги фармонида (2017 йил 1 декабрда қабул қилинган);

Иккинчидан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 70 йиллигига бағишланган тадбирлар дастурида (2018 йил 5 майдаги фармон билан тасдиқланган);

Учинчидан, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясида (2020 йил 22 июндаги фармон билан тасдиқланган);

Тўртинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 2021 йил 22 февралда бўлиб ўтган 46-сессиясидаги нутқида назарда тутилган.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ва БМТ халқаро шартномавий органлари — Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар қўмитасининг, Ирқий камситишни тугатиш бўйича қўмитанинг яқини тавсия ва мулоҳазаларида Ўзбекистон томонидан Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилиш бўйича чора-тадбирларни такомиллаштириш ва тарғиб-ташвиқот фаолиятини амалга ошириш бир неча марта тавсия этилган.

Бу орада 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган ва 2008 йилда янги таҳрир тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида" ги қонунни такомиллаштириш бўйича иш олиб

борилди. Ўзбекистон Президентининг ташаббуси асосида 2017 йилда "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида" ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Лойиҳа 2018 йил 20 июль куни умумхалқ муҳокамаси учун ягона интерактив давлат хизматлари порталида жойлаштирилди.

Бу қонун лойиҳасида, жумладан, БМТ Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясининг халқаро стандартлари ва талаблари, энг муҳими, асосий фалсафасини ҳисобга олиш, шунингдек, "ногирон" сўзи ўрнига "ногиронлиги бўлган шахс" атамасидан фойдаланишга эътибор қаратилди.

Сўнгра 2020 йил 22 июль куни "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида" ги қонун лойиҳаси Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, 2020 йил 11 сентябрь куни Сенат томонидан маъқулланди. Қонун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2020 йил 15 октябрь куни имзоланган, унинг 49-моддасига мувофиқ, расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач, яъни 2021 йил 15 январь куни кучга кирди.

Шу тариқа Ўзбекистон Президентининг ташаббуси билан давлат борада алоҳида қонун қабул қилинишига муваффақ бўлинди. Ўз навбатида, давлатимиз раҳбарининг халқаро ташаббуси доирасида Ўзбекистон парламенти Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилди.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистонда ижтимоий адолат принциплари амал қилиш, ёрдам ва қўллаб-қувватлашга муҳтож, биринчи навбатда, жисмоний имконияти чекланган одамларга тўлақонли ҳаёт кечирish учун шароит яратиш масаласи давлатимиз раҳбарининг доимий диққат марказида турибди.

КОНВЕНЦИЯ — ДУНЁДАГИ НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАР КОНСТИТУЦИЯСИ

Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2006 йил 13 декабрда қабул қилинган ва 2008 йил 3 майда қабул қилинган. 2021 йил февраль ҳолатига кўра, БМТга аъзо 192 давлатдан, 182 таси ушбу конвенцияни ратификация қилган.

Эътибор беринг, **БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси инсон ҳуқуқлари тўғрисида XXI асрда қабул қилинган биринчи шартномадир.**

Конвенцияда ногиронларнинг ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари, хусусан, уларнинг яшаш, фуқаролик, ҳуқуқий



Ханим Йўлдошев олган сурат.

ҳимояланиш, таълим олиш, саломатликларини сақлаш, бошқалар билан тенг равишда меҳнат қилиш, сиёсий, ижтимоий, маданий ҳаётда, бундан ташқари, дам олиш ва спорт билан шуғулланишда иштирок этиш, ўзлари ва оиласи учун етарлича турмуш шароитига эга бўлиш ва ижтимоий ёрдам ҳуқуқлари эътироф этилган. Ушбу ҳуқуқларни амалга оширишнинг кафолатлари белгиланган.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳисоб-китобларига кўра, **дунё аҳолисининг 15 фоизини ногиронлиги бўлган шахслар ташкил қилади, бугунги кунда уларнинг сони 1 миллиардга етган.**

Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция 50 та моддадан иборат бўлиб, дунёдаги ногиронлиги бўлган шахс-



“ Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 апрелдаги қарори билан Ижтимоий ҳимояга муҳтож айрим тоифадаги фуқароларга нафақа тайинлаш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти тасдиқланди.

лар ҳолатини таҳлил этиш асосида қабул қилинган. Мазкур халқаро-ҳуқуқий ҳужжат инсонларнинг турли-туманлиги ва кадр-қиммати принциплари ўзида мужассамлаштиргани жуда муҳимдир.

Конвенциянинг **асосий ғояси** шундан иборатки, ногиронлиги бўлган шахслар барча инсон ҳуқуқлари ва эркинликларидан камситиларсиз фойдаланиш имкониятига эга бўлиши керак.

Конвенциянинг **мақсади** 1-моддада баён этилган ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларнинг тенглик асосида барча инсон ҳуқуқларини тўлиқ амалга оширишларини рағбатлантириш, ҳимоя қилиш ва таъминлашдан иборатдир. У фойдаланиш имконияти, шахсий ҳаракатланиш, соғлиқни сақлаш, таълим, бандлик, абилитация ва реабилитация, сиёсий ҳаётда иштирок этиш, шунингдек, тенглик ва камситмаслик каби бир қатор муҳим масалаларни қамраб олади.

Конвенциянинг 4-моддасида ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлаш, рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш бўйича умумий мажбуриятлар белгиланган. Хусусан, **конвенцияда иштирок этувчи давлатлар қуйидаги мажбуриятларни олади:**

- ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини амалга ошириш учун барча зарур қонуний, маъмурий-ташқилый ва бошқа чораларни кўриш;

- конвенцияда кафолатланган ёрдам ва хизматларни тақдим этишни такомиллаштириш учун мутахассислар ва ногиронлиги бўлган шахслар билан иш олиб борадиган персонални ушбу эътироф этилган ҳуқуқларга ўқитишни рағбатлантириш.

Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда устувор субъектлар сифатида ногиронлиги бўлган аёллар (6-модда) ва ногиронлиги бўлган болалар (7-модда) ажратиб кўрсатилган.

Конвенция қондалари бажариллигини мониторинг қилувчи, иштирок этувчи давлатларнинг маърузаларини қўриб чиқишга ваколатли ҳамда ушбу маърузалар бўйича тақлифлар ва умумий тавсиялар берувчи орган — **БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари бўйича қўмитаси (18 кишидан иборат) ташкил этилган.**

Аъзо давлатлар дастлабки миллий маърузани конвенция ратификация қилинганидан сўнг 2 йил ичида, кейинчалик ҳар 4 йилда бир марта тақдим этиш белгиланган.

НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ЮРИДИК АСОСЛАРИ

Мамлакатимизнинг ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ногиронлиги бўлган шахсларга Конституцияимизда назарда тутилган фуқаролик, иқтисодий, сиёсий ва бошқа ҳуқуқ ва эркинликларни амалга оширишда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормалари ҳамда принциплари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ бошқа фуқаролар билан тенг имкониятларни таъминлаш ҳисобланади.

Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган 760 мингдан зиёд шахс истиқомат қилади. Улар ижтимоий ҳимоя ва қўллаб-қувватлаш, тиббий-ижтимоий реабилитация чоралари билан қамраб олинган.

Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 апрелдаги қарори билан **Ижтимоий ҳимояга муҳтож айрим тоифадаги фуқароларга нафақа тайинлаш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти тасдиқланди.** Ушбу ҳужжатга асосан, ижтимоий ҳимояга муҳтож айрим тоифадаги фуқароларга нафақа тайинлаш бўйича давлат хизматлари 2021 йил 1 августдан бошлаб кўрсатилади.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 апрелдаги қарори билан ҳуқуқат ҳузурда доимий фаолият юритувчи **Ногиронлиги бўлган шахслар ишлари бўйича идоралараро кенгаш** ташкил қилинди. **Идоралараро кенгашнинг асосий вазифалари:**

- ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги

давлат сиёсатини амалга оширувчи давлат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

- ногиронлиги бўлган шахсларнинг соғлигини тиклаш, уларни реабилитация қилиш, ижтимоий ҳимоя қилиш ва ҳуқуқларини таъминлашга доир давлат дастурларини амалга оширишда иштирок этиш;

- ногиронлиги бўлган шахсларнинг таълим олиши, уларни касбга тайёр-



лаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, меҳнат қилиш ва бандлигига қўмақлашиш;

- ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамият ва давлат ҳаётида тўла ҳуқуқли тарзда иштирок этиши учун қулай шарт-шароитлар яратишда иштирок этишдан иборат.

Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини жамият ҳаётининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳаларида ҳимоя қилиш асосида қандай вазият бўлишидан қатъи назар, инсонни, шу жумладан, ногиронлиги борлиги тўғрисида камситмаслик принципи ётади. Бу борада нафақат давлат тузилмалари, балки фуқаролик жамияти институтлари ҳам фаоллик кўрсатаётгани жуда муҳим.

Бугунги кунда мамлакатимизда ногиронлиги соҳасида 600 га яқин нодавлат нотижорат ташкилот фаолият юритмоқда. Улар орасида Ўзбекистон ногиронлар жамияти, Ўзбекистон ногиронлар жамоат фонди, Ўзбекистон Ногирон ишбилармон аёллар миллий ассоциацияси, Имконияти чекланган ёшлар ва болалар маркази, Ўзбекистондаги фалаж ногирон болалар ва ўсимларга ёрдам бериш "Умр" жамоатчилик маркази, "Инклюзив ҳаёт" ногиронлар жамоат бирлашмаси, Ўзбекистон кўзи охишлар жамияти, Ўзбекистон карлар жамияти каби ННТлар бор. Ушбу нодавлат нотижорат ташкилотларнинг вакиллари конвенцияни ратификация қилишда фаол иштирок этди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш масалалари бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг 200 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжати билан тартибга солинмоқда. Бу ўринда Конституция, 40 дан ортиқ қонун ва 160 дан ортиқ қонуности ҳужжат кўзда тутилган.

Жумладан, Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари Конституция, "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида" ги, "Таълим тўғрисида" ги, "Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида" ги, "Аҳоли бандлиги тўғрисида" ги, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида" ги, "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида" ги, "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида" ги, "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида" ги қонунлар ва Меҳнат кодекси билан тартибга солинади.

Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини тартибга солувчи миллий қонунчилик:

- ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий-иқтисодий соҳадаги барча ҳуқуқларини тартибга солиши Ўзбекистон Республикасининг "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида" ги қонуни, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларнинг таълим олишга бўлган ҳуқуқларини амалга оширишга қаратилган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;
- соғлиқни сақлаш ва тиббий хизмат кўрсатиш;
- бандлик масалалари;
- жисмоний тарбия, спорт ва дам олиш; ижтимоий объектлар ва хизматлар, транспорт, алоқа ва ахборот воситаларидан фойдаланиш;
- одил овозлов;
- давлат ва жамоат ишларида иштирок этиш;
- ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини бузганлик учун жавобгарлик каби нормалардан ташкил тоган.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон ратификация қилган БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси ногиронлиги бўлган шахсларнинг тенглиги, ҳуқуқлари, айниқса, аёллар ва болаларнинг таълим олиши, саломатлигини сақлаши, меҳнат қилиши, ўзи ва оиласи учун етарлича турмуш

шароитига эга бўлишининг ҳуқуқий кафолатларини белгилувчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжатдир.

Конвенцияни ратификация қилишда 3 та манба: миллий қонунчилик, хорижий юридик амалиёт ва ушбу конвенциянинг ўзига таянилади. АҚШ, Буюк Британия, Германия, Швейцария, Россия, Беларусь, Украина, Озарбайжон каби давлатлар таърифибаси чуқур ўрганилди.

Хусусан, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Швейцария каби етакчи хорижий давлатлар Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилган ҳолда, тегишли миллий қонунларини ҳам қабул қилган. Бу қонунларнинг барчаси мазмунан ўхшаш бўлиб, конвенция талаблари негизда ишлаб чиқилган.

Эътиборли томони шундаки, ГФРда ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган бир қанча қонунлар мавжуд. Жумладан, "Жамиятда, ишда ва касбий соҳада ногиронларнинг ҳуқуқларини таъминлаш тўғрисида" ги қонун шулар сирасига кирди.


Ўзбекистоннинг бу борадаги ҳуқуқий амалиётга келсак, қонун ижодкорлигида илк бор ноёб тажриба қўлланилди. Яъни халқаро-ҳуқуқий ҳужжат дастлаб миллий қонунчиликка имплементация қилиниб, шундан кейин ратификация қилинди.

Энг асосийси, конвенцияни ратификация қилиш натижасида:

Биринчидан, ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими халқаро норма ва стандартларга мувофиқлашди;

Иккинчидан, ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиши кучайтириш бўйича халқаро ташкилотларнинг мақсадли ресурсларини жалб қилиш имкони кенгайди;

Учинчидан, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишдаги мамлакатимизнинг ижобий халқаро имижига янада яхшиланади.



“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС ЎЗБЕКИСТОННИНГ “ЯШИЛ ЭНЕРГЕТИКА” СОҲАСИДАГИ ТАЖРИБАСИ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ УЧУН НАМУНА БЎЛМОҚДА

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Иннинг таклифига биноан, Сеул шаҳрида видеоанжуман шаклида ўтган “Яшил ўсиш ва глобал мақсадлар учун ҳамкорлик — 2030” (P4G) иккинчи халқаро саммити очилиш маросимидаги иштироки ва нутқига халқаро жамоатчилик ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришда давом этмоқда.

Далия ЧАКАР,
Ўзбекистон — Нидерландия дўстлик жамғармаси раиси:



эканини яна бир бор намоён этди.

Ўзбекистон иқлим ўзгариши оқибатлари таъсирини юмшатиш бўйича аниқ ғоя ва таклифларга эга.

Ўзбекистон Президенти бошқа давлатлардаги ҳамкасбларининг эътиборини Марказий Осиёнинг оғриқли нуқталарига қаратишга ҳаракат қилаётгани ва халқаро ҳамжамият саъй-ҳаракатларини бирлаштириш зарурлигини қайд этаётгани алоҳида эътиборга лойиқ. Бундай амалий ҳаракатларсиз вазиятни ўзгартириб бўлмайди. Мен яқинда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан экологик инновация ва технологиялар зонаси, деб эълон қилинган минтақа — Оролбўйи фалокатининг глобал оқибатларини бартараф этишни назарда тутяпман.

Шунингдек, Ўзбекистон Президенти Марказий Осиёдаги трансчегаравий дарёлар ҳавзаси ва биологик хилма-хилликнинг қисқариб бораёт-

гани муносабати билан жиддий хавотир билдирди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон раҳбари улкан мақсад — мамлакат иқтисодиётида қайта тикланадиган энергия манбаларининг улушини яқин ўн йил давомида уч баробар кўпайтириш ҳақида маълум қилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон дунёда аҳолиси энг ёш давлатлардан бири эканини инобатга олган ҳолда, Президент Шавкат Мирзиёев “яшил истеъмол” маданиятини шакллантириш мақсадида “яшил иқтисодиёт”ни барпо этишга ёшларни фаол жалб этиш бўйича Махсус дастурни амалга ошириш ташаббусини илгари сурди.

Оролбўйида экологик инновация ва технологияларни ривожлантириш, қайта тикланадиган энергия манбаларини кўпайтириш ва “яшил иқтисодиёт”ни барпо этишга ёшларни жалб қилиш бўйича саъй-ҳаракатлар гоётада ижобий самаралар беришига ишонамиз.



— Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Яшил ўсиш ва глобал мақсадлар учун ҳамкорлик — 2030” иккинчи халқаро



— Таиланд жамоатчилиги ва иқтисодий доиралари дунёнинг етакчи давлатлари раҳбарлари, жумладан, Таиланд Бош вазири ва Ўзбекистон Президенти иштирок этган “Яшил ўсиш ва глобал мақсадлар учун ҳамкорлик — 2030” иккинчи халқаро саммитидаги чиқишлари катта қизиқиш билан кузатиб борди.

Шаҳбоз ҲУСАЙН,
Эрон қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги қишлоқ хўжалиги экинларини ривожлантириш жамғармаси директори:

саммитидаги нутқини катта қизиқиш билан ўқидим.

Минтақадаги бошқа давлатлар қатори Эронни ҳам иқлим ўзгаришлари, буғланиш даражасини оширувчи газлар ва атмосфера ифлосланиши муаммолари таъсирида трансчегаравий дарёлар оқими ва биологик хилма-хиллик қисқараётгани жиддий хавотирга солимоқда.

Ўзбекистонда “яшил технологиялар”ни кенг жорий қилиш ва “яшил энергетика” соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш са-

марасида яқин ўн йилда қайта тикланадиган энергия манбалари улуши 3 баробар кўпайтирилиши ҳақидаги хабар бизда катта таассурот қолдирди.

Ўзбекистон Президенти томонидан 2022 йилда мамлакатда “Ривожланаётган мамлакатлар учун яшил энергетика” мавзусида халқаро конференция ўтказиш, шунингдек, “яшил”, яъни экологик тоза маҳсулотларни истеъмол қилиш маданиятини шакллантириш мақсадида “яшил иқтисодиёт”ни

содиётда тоза инновацион технологиялардан фойдаланишга содиқлигини тасдиқламоқда ҳамда бошқа давлатларни ҳам шу йўлдан юришга ундамоқда. Бу, айниқса, энергетика соҳасига алоҳида тегишли.

Халқаро ҳамжамият Президент Шавкат Мирзиёев ташаббусларини катта эътибор билан кутиб олмоқда, бинобарин, сунги йиллар амалиёти уларнинг барчаси реал муддатларда амалга оширилаётганини кўрсатяпти. Бундан ташқари, ташаббуслар пухта ва прагматик бўлгани боис, дунё давлатлари томонидан бирдек қўллаб-қувватланмоқда.

Шу ўринда фикримнинг тасдиғи сифатида БМТ Бош Ассамблеяси-

барпо этишга ёшларни фаол жалб қилиш бўйича Махсус дастурни амалга ошириш ташаббуси мутахассислар орасида катта қизиқиш уйғотди.

Мазкур соҳа мутахассиси сифатида Ўзбекистоннинг P4G шериқлигига қўшилиши ҳамда унинг тўлақонли иштирокчисига айланишга тайёрлиги, шунингдек, Париж битими доирасида 2030 йилга бориб ҳавога зарарли газлар чиқаришни камайтириш мажбуриятини ўз зиммасига олганини тўла қўллаб-қувватлайман.

Ўзбекистоннинг “яшил энергетика” соҳасидаги тажрибаси Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари учун намуна бўлмоқда.

нинг 75-сессияси ялпи мажлисида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев таклифига биноан, Оролбўйи минтақасини экологик инновация ва технологиялар ҳудуди, деб эълон қилиш тўғрисидаги махсус резолюция нафақат бир овоздан, балки дунёнинг кўпгина етакчи давлатлари ҳаммуаллифлигида қабул қилинганини келтириш мумкин.

Ўз навбатида, Таиланд компанияларининг Ўзбекистонда энергетика соҳасидаги лойиҳаларни амалга оширишдаги иштироки фойдаланмоқда. Жумладан, “Wuncoast Industrial Park Public Co., Ltd.” компанияси ҳам “яшил” инновацион технологиялардан самарали фойдаланади ва яқин келажакда ушбу технологияларни Ўзбекистонда қўллашни режалаштиряпти.

“Дунё” АА

АКС-САДО

УЙ-ЖОЙЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШДА ЯНГИЧА ТАЖРИБАЛАР ҚЎЛЛАНИЛАДИ

Йиғилишда таъкидланганидек, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида маблағларни самарасиз ишлатиш, бюджет маблағларини талон-тарож қилиш ҳолатлари кўп учрамоқда. Жумладан, охириги 2 йилда соҳадаги юзга яқин мансабдор шахс коррупциявий жиноятлар содир этгани учун жавобгарликка тортилган. Шу боис, кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатишни яхшилаш ва уй-жой фондиди янгилаш бо-расидаги устувор вазифалар муҳофизат қилиниб, вилоят марказлари, шунингдек, Нукус, Чирчиқ ва Ангрен шаҳарларида айрим мавзёлари тажриба тарикасида малакали бошқарув-сервис компанияларига бериш зарурлиги таъкидланди.

Албатта, шунинг ўзи билан масала ҳал этилмайди. Эндиликда ушбу компаниялар фаолиятини рейтинг асосида баҳолаш жорий қилиниб, хизмат кўрсатиши яхши бўлган-барига объект сони кўпайтириб берилади. Барча бошқарув-сервис компанияларида 24 соат ишлайдиган буюртма бериш марказлари ташкил этилади. Бу эса рақобат асосида сифатни оширишга йўл очади.

Сир эмаски, кўп ҳолларда ширкатлардаги қарздорлик хизматлар нарҳидаги ному-таносиблик туфайли келиб чиқади. Бундай ҳолатларга йўл қўймаслик учун энди уй-жойларни сақлашнинг минимал хизматлари ва меъёрларини маҳаллий кенгашлар аҳоли билан келишган ҳолда тасдиқлаши жорий этилади. Бунда ҳудудий коммунал хизмат бошқармаси тариф параметрларини банд-ма-банд асосда, қиладиган ишлари ва кўрсатилган хизматлари бўйича режаларини тақдимот қилади.



Яна бир эътиборга молик жиҳати шуки, бундан бунён ижтимоий реестрга кирган эҳтиёжманд оилаларга уй-жойларни сақлашга мажбурий тўловлар учун субсидия ажратилади. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига шу йил 1 октябрдан бошлаб мажбурий тўловларни кўчатириш тизимида амалга ошириш тўғрисида эълон қилинди.

Шунингдек, янги қурилган кўп квартиралар 3 мингта уйга хизмат кўрсатиш йўлга қўйилмагани боис, улар учун бошқарув компаниялари ташкил қилиш зарур. Инсоннинг яшаш шароити яхши, тайинли иш жойи, даромад манбаи бўлмаса, оиласида тинчлик, ишида унумдорлик бўлмайди. Шу нуқтага назардан, қурилишда коррупция омилларини йўқ қилиб, халқнинг пули назоратини кучайтириш масала ечимига қаратилган энг тўғри йўллар.

Йиғилишда Осиё тараққиёт банкининг 50 миллион доллар кредити ҳисобидан аҳоли зич, уй-жойга талаб юқори бўлган туманларда камида 3 мингта хонадонли кўп қаватли уйлар қурилиши қайд этилди. Бу айтишга ижарада яшаб, “ватанли” бўлишни ният қилиб юрган кўп қаватли уй-жойларнинг кўнглини тоғдай кўтариб юборди. Бунда ҳудудларни обод қилиш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳам муҳим ўрин тутди. Хусусан, жорий йилда 7 минг 794 та қишлоқ ва маҳалладаги ша-роитларни яхшилаш учун 18 триллион сўм йўналтирилгани, аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш, ички йўللار қуриш ва таъмирлашга яна 300 миллион доллар ажратилгани айтиб ўтилди.

Бир сўз билан айтганда, давлатимиз раҳбари бошчилигида ушбу йўналишдаги муаммоларнинг самарали ечимини топиш, аҳолини арзон ва сифатли уй-жой билан таъминлашга катта маблағлар ажратилиши. Эндиликда мана шу маблағларнинг тўғри ва мақсадли сарфланиши устидан назорат ўрнатилиши лозим. Назорат қучли жойда эса ривожланиш, юксалиш бўлади, одамлар ҳаётдан рози яшайди.

НУҚТАИ НАЗАР

БАРЧА ШАРОИТ МУҲАЙЁ ЭТИЛАДИ



Наргиза БОБОХОНОВА,
Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази 1-болалар бўлими бошлиғи

Давлатимиз раҳбари муборак Рамазон ҳайити кунлари Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази 1-болалар бўлимига ташириш чоғида бу ердаги беморлар ва уларнинг ота-оналари билан суҳбатлашиб, улар учун яратилган шарт-шароит билан танишган эди. Кунги кеча қабул қилинган “Аҳолига гематология ва онкология хизматларини кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” ги қарорда эса ўша пайтда кузатишган бир қатор камчиликларга ечим кўрсатилган.

Ҳужжатда 2022 йил 1 январдан Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси маркази Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази таркибидан чиқарилиб, мустақил марказ сифатида фаолият юритиши белгиланган. Янги марказ Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Арнасай кўчасида янги барпо этилган тиббиёт муассасаси биноларидан бирида жойлашади.

Президентимиз таширф чоғида ота-оналарга ҳам шароит яратиш тўғрисида ўз мулоҳазаларини билдирган эди. Шунга кўра, қарорда гематологик-онкологик касаллик билан

оғриган ҳар бир боланинг олдида унинг даволанишида иштирок этадиган ота-онаси учун шароит яратиш назарда тутилган. Янги марказда бемор болалар ва ота-оналар учун барча шароит муҳайё қилинади. Бу анча йиллардан бери беморлар билан бирга шифокорларнинг ҳам орзуси бўлиб келаётган эди.

Эътиборга молик жиҳати, ушбу қарор билан ҳудудлардаги болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларида болалар гематология ва онкологияси бўлимлари ташкил этилмоқда. Гематологик ва онкологик хасталикка чалинган бемор болалар катталар стационарида

эмас, балки барча керакли шарт-шароит яратилган болалар стационарида даволаниши керак. Бундай беморлар даволанадиган шифохонада бир қатор мутахассислар фаолият юритиши мақсадага мувофиқ. Яъни нафақат онкология ва гематология, балки урология, неврология, нейрохирургия, кардиология бўйича мутахассислар ва, албатта, юқори технологик реанимацион ўринлар бўлиши шарт. Қарорда ана шу жиҳатларга эътибор қаратилгани анча йиллардан бери бу борада йиғилиб келаётган муаммоларга ечим бўлди.

Онкология ва гематология касалликларини даволаш катта маблағ ва ресурс талаб этади. Қарорда онкологик касалликлар учун дори воситаларини харид қилиш ва онкология хизматини янада ривожлантириш билан боғлиқ харажатлар учун давлат бюджетидан 2021 йилда қўшимча 60 миллиард сўм, 2022 йилдан бошлаб эса 125 миллиард сўмдан кам бўлмаган миқдорда маблағ ажратилиши белгиланган.

Ҳозир жаҳонда гематологик касалликлар 80-90 фоизгача тузатиб кетиши кузатишмоқда. Бизнинг бўлимида бу 50-60 фоизни ташкил этмоқда. Касалликни даволашда тахшиш қўйиш, дори-дармон таъминоти ва молиялаштириш муҳим омил саналади. Агар дори таъминоти тўлиқ бўлса, биз ҳам жаҳон стандартларига бўйлашиб, беморларнинг 80-90 фоизи тузалишига эришишимиз мумкин.

Қолаверса, ушбу мамлакатлардан ҳам бизга қўшиб касаллик бўйича кўп мурожаат қилинади. Қарорда белгиланган вазифалар ижроси ўлароқ, уларга ҳам ёрдам бериш имконияти бўлади.

Вилоятларда онкогематология филиалларининг очилиши ота-оналар сарсон-саргардонлигининг олдини олади. Касал бола оиласи бағрида, яқинлари, қариндoshлари даврасида даволанади. Бу унга руҳий қувват бўлади. Муҳими, оила яхлитлиги сақлаб қолинади.

Абдулла РЎЗМЕТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Янги Ўзбекистон кўз ўнгимизда катта қурилишлар, янгиланишлар, бунёдкорликлар майдонига айланди. Юртимизнинг қай бир гўшасига борманг, шаҳар ва қишлоқларда аҳолини уй-жой билан таъминлаш бўйича кенг қўламли ишлар бажарилаётганига гувоҳ бўласиз. Хусусан, сўнаги уч йилда 155 мингта хонадон фойдаланишга топширилиб, кўп квартиралар уй-жойлар сони 2 баробар ошди.

Натижада кўп йиллардан бунён ижарама-ижара яшаб, уй-жой олиш ниятида юрган минглаб одамларнинг орзу-истаклари рўёбга чиқди. Очигини айтганда, агар бу эзгу ишлар Президентимиз бошчилигида ўз вақтида бошланганида эди, бугун бундай натижаларга эришиб бўлмас эди.

Албатта, бу жуда катта ютуқ. Лекин масаланинг бошқа томони ҳам бор. Янги уйлар, замонавий массивлар кўпайиши ортидан уларга хизмат кўрсатишнинг долзарблиги ҳам ортиб бормоқда. Чунки бу бўйича ўтказилган сўровларда кўп қаватли уйларда яшовчи 35 фоиз аҳоли кўрсатилган хизматлардан норози экани, 65 фоизи ширкатлар ишини амалда сезмаётганини айтган.

Жорий йил 28 май кунини Президентимиз раислигида кўп қаватли уй-жойлар барпо этиш ва уларга хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш масалалари муҳофизат юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилиб, мавжуд муаммолар ечими юзасидан аниқ вазифалар белгилаб берилгани боиси ҳам шунда.

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

Сурхондарё:

ЎЗГАРИШЛАР ВА ЯНГИЛАНИШЛАР ДАВРИ

Усмонали НОРМАТОВ, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

Бугун Денов туманида 350 минг нафардан зиёд аҳоли яшайди. Эли тадбиркор, деҳқонлари миришкор, боғбонлари уддабурон, савдогарлари сахий туманда...

Бу ерлик омилкор деҳқонлар ҳар йили 40 минг тоннадан кўпроқ бошоқли дон етиштиряпти, пахта хомашёси миқдори ҳам 35 минг тоннадан ортмоқда. Етиштирилаётган пахта толасининг асосий қисми тумандаги корхоналарда қайта ишланаётган бўлса...

бирлари тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Қарорда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида тумanning ишлаб чиқариш ва меҳнат салоҳиятидан оқилона фойдаланган ҳолда...

Деновда 2022 йилнинг охиригача умумий қиймати 3 триллион 35,6 миллиард сўмлик 505 та лойиҳа амалга оширилади, бешта йирик саноат корхонаси ташкил этилди. Хусусан, лойиҳа қиймати 20,5 миллион АҚШ долларига тенг бўлган "Денов текстиль" МЧЖнинг ишга туширилиши натижасида йилга 6300 тонна калава-ип ишлаб чиқариш имконияти пайдо бўлди.

кластери" МЧЖ томонидан лойиҳа қиймати 63,8 миллиард сўмлик, йилига 30 минг тонна чигит ва кунгабоқарни қайта ишлаш қувватига эга ўсимлик ёғи ва омикта ем ишлаб чиқариш заводи фойдаланишга топширилди. Янги корхонада 250 та иш ўрни яратилди.

"Гольд Бизнес Про" МЧЖда қиймати 70,6 миллиард сўмлик темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилди. 2004 йилдан бунён фаолияти тўхтаб қолган "Орзу-К" хусусий корхонаси модернизация қилиниб, яна маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Деновда кейинги йилларда қилинган муҳим ўзгаришлардан бири деҳқон бозорининг марказдан бир мунча четга кўчирилганидир. Утган асрнинг етмишинчи йилларида қурилган бу бозор туфайли туман маркази кўчалари машиналар ва аҳоли қўлигидан тирбанд бўлар, атрофи ҳамма антисанитария ҳолатида эди.

Ана шу нуқулалликларни бартараф этиш, сотувчи ва харидорларга қулайликлар яратиш мақсадида 25 гектар майдонда замонавий ва кўркам деҳқон бозори барпо қилинди. 147 миллиард сўм эвазига бунёд этилган бозор ва савдо мажмуасида минг нафардан кўпроқ кишининг бандлиги таъминланди.

лоийҳа қиймати 23,8 миллиард сўмлик пиллани қайта ишлаш, тайёр ипак маҳсулотлари ва гилам ишлаб чиқариш фабрикаси қуриб битказилди. Бўлажак корхонада 80 та доимий ҳамда 2 мингта мавсумий иш ўрни ташкил қилинади.

Айтиш керакики, Президентимизнинг 2020 йил 9 апрелдаги қароридан масъул вазирлик ва идораларга 2020 йилнинг 1 сентябрга қадар Денов туманида мавжуд бўлиб турган бино ҳамда иншоотлар негизда "Ишга марҳамат" мономаркази ва касбга тайёрлаш марказлари ташкил этиб, бу жойларда, биринчи галда, ишсизлар ва камбағал оила аъзоларини тадбиркорлик ҳамда касбга ўқитиш вазифаси қўйилган.

Деновда ижтимоий соҳалар ривожига ҳам етарлича аҳамият берилляпти. Хусусан, мактабгача таълимни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар мактовга лойиқ. Қарор ижроси юзасидан қисқа вақтда 630 ўринга эга 6 та давлат мактабгача таълим ташкилоти, 495 ўринга эга 5 та давлат-хусусий шериклик асосидаги мактабгача таълим ташкилоти ҳамда 2600 ўринга эга 104 та оилавий болалар боччаси бунёд этилди.

қарши курашиш жамғармасидан 8,4 миллиард сўм сарфланди. Утган йили жами 2400 ўринга эга бўлган 8 та мактабда қурилиш ва таъмирлаш ишлари бажарилди.

Аҳоли соғлиғини мустақамлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилляпти. 11,2 миллиард сўм ажратилиб, туман тиббиёт бирашмасининг 60 ўринли жарроҳлик бўлими ва операция блоги капитал таъмирдан чиқарилди. Туманда хусусий тиббиёт ҳам жадал ривожланмоқда. Тадбиркорларга хусусий тиббиёт муассасалари ташкил этишга қатор имтиёзлар берилгани туфайли жорий йилнинг ўзига бешта хусусий тиббиёт муассасаси қурилиб, элга хизмат қўрсатмоқда.

Аҳоли соғлиғи, биринчи галда, истеъмол қилинаётган сувнинг соғлиғи ва сифатиغا боғлиқ. Шунинг учун аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш йил сайин яхшиланмоқда. Бюджетдан ажратилган 2,7 миллиард сўм хисобига "Дахана" маҳалласи ҳудудига 6,2 километр ичимлик сув тармоғи тортилди. Бир неча маҳаллада янги артезиан кудуқлари қазилиб, эскилари таъмирланиб, аҳолига ичимлик сув етказиб бериш яхшиланмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Денов тумани ва шаҳри кундан кунга гўзаллашиб, ободонлашиб, аҳолининг турмуш фаровонлиги юксалиб бормоқда.

ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛЬ

ГУЛГА ЎРАБ ҲАММА ЁҒИНИ, ГУЛЛАЁТГАН НАМАНГАНДИР БУ!

Вилоятда ҳар йили гул байрамнинг чиройли ўтказилиши, бу байрам наманганликлар ҳаётига сингиб, яхши анъанага айланиб қолгани бежиз эмас. Нега деганда, гулу райҳонни, гўзалликни яхши кўрадиган ва шундай ободликни ўз қўли билан яратадиган одамларнинг қалби ҳам гўзал бўлади.

Орифжон Жўраев, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

Гул байрами — гўзал Наманганнинг ташриф қоғози. У наманганликларга ҳос ажойиб бир қадриятки, ҳар йили баҳор фасли сўнггида гулчию боғбонлар, бутун юрт аҳлини нафосат сайлига чорлайди. Жорий йил 23 май — 30 май кунлари вилоят марказида жойлашган Заҳриддин Муҳаммад Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллигига бағишлаб Халқаро гуллар фестивали ўтказилди.



Шавкат МИРЗИЁЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти

60-бор ташкил этилган бу фестивал пандемия шароитида яшаш ва ишлашга ўрганган аҳолининг талаб ва истакларига ўра, байрам кунлари давомийлиги 8 кун этиб белгиланди. Одамлар эркин ҳаракатланиши учун гул савдоси боғ ташқарисига кўчирилди, вилоятдаги барча туманларга жойлар ажратилди ва улар ўз ҳудудларига хос хусусиятни, туризм салоҳиятини табиий гуллар воситасида акс эттирди.

Бу йилги фестивалда илк бор шаҳар ва туманлар алоҳида кўргазмалари билан иштирок этди. Корхона ва ташкилотлар, компаниялар, олий ўқув юр்தларининг ранг-баранг композициялари барчанинг эътиборини тортиди. Боғнинг учта сахнасида ҳар кун маданий-маърифий кўнгилочар тадбирлар, бадий жамоалар, фольклор ансамбллари ва эстрада хонандаларининг чиқишлари ташкиллаштирилди.

Боғнинг 16 гектарли майдонига юздан зиёд композиция учун 10 миллион тул гул экилди. Биргина Наманган давлат университети тасвирлаган товуснинг ўзига 50 мингдан зиёд гул ишлатилди.

Халқаро гуллар фестивали вилоятнинг ҳаво дарвозаси — Наманган халқаро аэропорти ҳудудидан гуллар автопаради билан бошланди. Анвойи гулларга бурканган 200 дан ортик автомашина карвони шаҳарнинг Ислоом Каримов шоҳқўчасидан темир йўл вокзали айланма йўли — Амир Темур — Нодим Намангоний кўчалари бўйлаб ҳаракатланди. Улар орасида комбайн, трактор, автокран, электромобилдан тортиб, ретро ва ҳарбий техникагача бор.

— Наманганнинг ўзига хос брендига айланиб улгурган гуллар байрами Президентимизнинг шахсий ташаббуси ва тавсиялари билан халқаро даражага кўтарилди, — дейди Наманган вилояти ҳокими Шавкат Абдуразоқов. — Бу йилги фестивалда дунёнинг 30 га яқин давлатдан 10 мингдан ортик меҳмон келди. Улар орасида АҚШ, Буюк Британия, Туркия, Россия, Жанубий Корея, Қозғоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, ЕИ, Шарқий Осиё давлатлари, юртимизнинг деярли барча ҳудудларидан вакиллар бор. Ҳар кун биргина кўшни Қирғизистоннинг ўзидан мингдан, Тожикистондан эса юздан зиёд меҳмон кутиб олдиқ. Байрам ўтказилган Бобур боғига ҳар кун ўртача 100 минг нафардан зиёд, ҳафта давомида эса 1 миллионга яқин меҳмон ташриф бурюди. Бу, ўз навбатида, вилоятимизнинг туризм салоҳияти ошишига ва ривожига хизмат қилади. Шаҳримиздаги 30дан ортик меҳмонхона ва қўшимча янги меҳмон уйлари туну кун хизматда бўлди.

— Фестивалнинг оқори савияси ва меҳмонлар оқимининг кутилганидан зиёд бўлишида оммавий ахборот воситаларининг алоҳида ўрни бор, — дейди Наманган шаҳар ҳокими Гофуржон Жамолов. — Байрамга хорижий ва маҳаллий ОАВлардан 200 га яқин журналист келди. Улар қаторида BBC, Reuters, TRT, Fars news, "Туркел", "Синьхуа" ва "Спутник" каби етакчи хорижий агентлик, канал ва нашрлар вакиллари бор. Журналистлар томонидан ҳар кун йўлаб тўғридан-тўғри эфир ва репортажлар узатилди, лавҳалар тайёрланди. Байрам кунлари 100 нафардан ортик кўнгилли талаба волонтерлик билан шугулланиб, вилоятнинг туризм салоҳиятини тарғиб қилиш билан бирга меҳмонларга гид хизмати ҳам кўрсатди.

БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили Матильда Димовска ҳам 60-халқаро гуллар фестивалини кўриш учун Наманганга келди. У тайёрланган экспозициялар, тематик декорациялар билан танишиш ҳамда гулчилар билан яқиндан суҳбат қурди. Фестиваль доирасида "Covid-19" пандемиясидан кейин қишлоқ хўжалиги, боғдорчилик ва гулчилик бизнесини шиддат билан тиклаш бўйича инновацион стратегиялар" мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман ташкил этилди. Унда Ўзбекистон Фанлар академияси олимлари, АҚШ, Ҳиндистон, Малайзия, Туркия, Нидерландия, Япониянинг етакчи мутахассислари боғдорчилик ва гулчиликни ривожлантиришга оид маърузалари билан қатнашди.



— Хайрига элчиси сифатида Ўзбекистоннинг барча вилоятларида фаолият юртиялман, — дейди буюк британиялик Гули хоним Шайх. — Утган ҳафта Наманганга келганимда мени гуллар байрамига таклиф қилишди. Олам-олам таассуротлар олдим. Жараённи ижтимоий тармоқлар орқали тарғиб этиб бордим. Айтиш керакики, бундай байрамлар — эзгулик рамзи. Бу юртда гўзалликка ошувта, гуллари ардоқлайдиган одамлар кўплигини кўриб, беҳад мамнун бўлдим.

— Нафосат байрами тадбирларини ўз кўзим билан кўриш учун сайлга келдим, — дейди Замбия фуқароси Миллимо Мундия. — Утган йилдан бунён Наманган муҳандислик-технология институти магистратурасида тахсил оляпман. Шаҳар, аввало, гулзорлари билан кишини ўзига ром этади. Ҳозиргача кўча ва хиёбонлардаги яшил манзаралардан завқланиб келган бўлсам, минглаб инсонларни ўзига чорлаган фестиваль хайратини оширди. Ҳар бири ўзига хос кўриниш, мазмунга эга композициялар! Сон-саноксиз чечаклар ифориға чўмилган шаҳар! Экзотика! Бетактор кўринишларни суратга тушириб, ватанимга — яқинларим, дўстларимга ҳам юбоярлман, улар лолу хайрон.

— Наманган шаҳридаги "Афсоналар водийси" боғининг файзли оқшомида фестивал гўлибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Фестивалдаги иштироки учун бир қатор ОАВ ходимлари ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Наманган шаҳар ҳокимлиги, шаҳар ободонлаштириш бошқармаси жамоаларига Наманган вилояти ҳокимининг ташаккурномаси ва қимматбаҳо эсдалик совғалар берилди.

Халқаро гуллар фестивалида Жўрақон Мўминов "Энг яхши қадимий гулчи сулола" (20 миллион сўм), Бекзод Тоҳиров "Энг яхши ёш гулчи" (20 миллион сўм), Наманган давлат университети, Наманган муҳандислик-қурилиш институти, Наманган муҳандислик-технология институти "Энг яхши гул композицияси" (15 миллион сўм), Хусанбой Нуриддинов "Энг яхши гулчилик мактаби" (15 миллион сўм), Фарҳод Жўраев "Энг кўп гул етиштирган гулчи" (15 миллион сўм) номинациялари гўлиби деб топилди. Фестивалнинг асосий номинациялари бўйича гўлиблари — Поп тумани ҳокимлигига, Наманган вилояти қурилиш бош бошқармасига, Миллий гвардия Наманган вилояти бўйича бошқармасига ва гулчи Обидхон Қодировга "Некхя-3" автомобиллари топширилди.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

1 ИЮНЬ — ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ

Ёдгора ЗИЁМУҲАММЕДОВА:

“ЖАЖЖИ ҚАЛБЛАРГА ЙЎЛ ТОПИШ ОСОН ЭМАС”



— Фаолиятингиз болалар ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ. Болалар шоири, ёзувчиси бўлиш осон эмаслигини кўпчилик билмайди. Бу сизнинг касбингизга ҳам дахлдор. Бола бўлиб гавдаланиш учун саҳнада ва сахна ортда қандай машаққатларни зиммангизга оласиз?

— Дарҳақиқат, болалар спектаклларида роль ўйнаш осондек кўринади. Болалар актёри, актрисасида Яратганинг ўзи юктирган истеъдод бошқа театр актёрлариникидан кучли бўлмаса, бугун юракларга йўл тополмайди. Ҳатто айримлар бизни майда-чуйда жониворлар ролларини ўйнаб юрадиган артистлар-да, дейишади. Бундан кўнглимиз оғрийди. Чунки бизга берилган ҳар битта образ — ўзимиз учун кадрли қаҳрамон. Биз болани чинакамга ўша образга айланганимизга ишонтара олишимиз керак. Зеро, болаларни алдаб бўлмайди. Бу эса жуда катта маҳорат, истеъдод талаб қилади. Дубляжда қириб кетиш, болаларча завқ шавққа берилиш талаб қилинади. Қаҳрамон кўнса кулиб, йилгасла йилгашингиз керак. Бу борада овозлари халқнинг юрагидан жой олган устозларим Ҳамаза Умаров, Омон Абдуразақов, Арсен Файзуллаевдан катта сабоқ олганман.

— “Қундуз бобонинг қиссалари”ни ёмон кўрадиган бола бўлмаса керак. Ҳатто аксарият катталар ҳам уни севиб томоша қилади. Фильмлар туркумида сизнинг овозингиз алоҳида ўрин тутаяди. Бугун болаларимиз замонавий мультфильмлар томошасига зўр бераётган бир пайт-



Этибор беринг-а, чақалоққа кулиб қарасангиз ва яна “ўзининг тили” да бир нималарни чуғурлаб қўйсангиз, қикир-қикир кулади. Агар юзани муносабатда бўлсангиз, сиздан узоқлашади. Ҳа, боланинг кўнглига йўл топиш учун бола бўлиш керак. Кичкинтойлар ўзларининг қалбига йўл топган инсонларга яқинлашиб, уларни қадрлайди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ёдгора Зиймухаммедова жажжи мультфильмсеваарлар ҳамда ёш томошабинларнинг кўнглига йўл топа олган санъаткорлардан. 20 йилдан зиёд болалар учун “Оқшом эртақлари” кўрсатувини олиб борган актрисанинг дубляждаги ширали овози, театрдаги ёрқин роллари унинг гоят болажон эканини намойён қилади. Халқро болалар куни арафасида салкам етмишни қаршилаётган, Ўзбекистоннинг ягона трагисти (театрдаги ампула, ёш болалар родини ўйнашга ихтисослашган) актрисаси билан ҳамсуҳбат бўлишни ният қилгандик. Опа билан Ёш томошабинлар театрида учрашдик.

да шу каби содда, самимий ва яна миллий мультфильмларимиз нечоғлиқ зарур?

— Қаерга учрашувга бормай, шу қиссадан бир парча айтиб беринг, дейишади. Шунда фахрланиб кетаман. Аслида устозим Мукамбар Раҳимова сабабли дубляж оламига кириб қолганман. У киши ўзи етаклаб борган мени. Ёш томошабинлар театрида ишласам-да, мультфильмларга овоз беришни жуда ороу қилар эдим. Чунки мультфильмда театрда ўйнай олмаган ролларингизни ўйнаб юборасиз, янада бугунор бўлиб, болаларча маза қиласиз. Миллий эртақларимиздан “Сусамбил” мультфильм қилинди. Шунда хўрозга овоз бердим. Ранг-баранглиги, ажойиб қўшиқлари билан болаларга ёқадиган мультфильм бўлди. Аслида ўзбек халқ эртақларидан жуда чиройли мультфильмлар яралади. Фарзандларимизда ҳам аниқ тасаввурлар пайдо бўлади. Хусусан, “Алпомиш”ни кўрган бола кейинчалик адабиёт дарслигидаги шу дostonни ўзлаштиришга қийналмайди.

“Қундуз бобонинг қиссалари”га келадиган бўлсак, раҳматли устозимиз Камолитдин Усмонов бир куни “Ёдгора, мен 53 қисмли француз мультсериали устидан ишлаяпман, бир овоз бериб кўрмайсани, агар овозинг тушса, дубляжга оламан”, деди. Майли, дедим. Қиссадаги қундузчалардан бири — Уткиртишга овоз бериб кўрдим. Дубляж муваффақиятли бўлди, кўпчиликка маъқул келди. Чунки Қундуз бобонинг ҳар бир қиссаси катта тарбиявий аҳамиятга эга. Масалан, қиссалардан бирида ўзини гўзал, жозибадорман, деб хас-хашакларни камситган пуфакчанинг “пақ” этиб ёрилиб кетиши болаларни мактанчоқликка берилмасликка чақиради. Сичқонларнинг никоҳ тўйи

— Болалар қалбидан ўрин олган санъаткор, меҳрибон она, сеvimли бувижон сифатида бола тарбияси билан боғлиқ қандай тавсиялар бeрасиз?

— Тарбия — энг долзарб масала. Бу борада, биринчи галда, мен ота-оналарга фарзандини бўш қўймаслигини айтган бўлар эдим. Бўш қўймасликда ҳам шунчаки эмас, боланинг қизиқишидан келиб чиқиш керак. Афсуски, аксарият ота-оналарда бир одат бор — бола архитекторликка қизиқиб турса, юрист бўласан, дейди. Ёки ўқитувчиликка меҳри тушиб қолган болани шифокорликка мажбурлаймиз. Бу нотўғри.

Болани ўзи қизиққан касб ёки ҳунарга йўналтириш керак. Бочга ёшдан эртақлар, бадий асарлар ўқишга, театрга қизиқтириш ҳеч қачон ёмонликка олиб бормайди. Ўзим ҳам етти набиранинг бувисиман. Углимнинг 2 фарзандига китобнинг фалонча бетини ўқиш топширигини бериб, ўқиб бўлган, албатта, таассуротларини сўраймиз. Улар китобдан олган хулосаларини сўзлаб беради. Тўғри-нотўғри ҳолатларга ўз муносабатларини билдиришади. Дунёқарши кенгайиб боради. Шу маънода, ҳар қандай вазиятда боланинг тарбиясига энг аввало, ота-она жавобгар, деб биламан. Давлатимиз раҳбари жуда тўғри таъкидлагандек, илгари кўни-қўшиллар, бутун маҳалла бир боланинг юриш-туришидан огоҳ бўлган. Маҳалладорларимиз билан шу ҳақини сўзлаб қолмоқчи ҳаракат қилганмиз. Фарзандларимиз маҳалладаги ёши улуг аёлларни бувижон, эркақларни эса бобожон дейишга одатланганман. Ўзимни ҳам маҳаллада “бувижон”, деб ҳурмат қилишади. Ёш оналар бирон жойга кетаётми, “Бувижониси, бирон ноҳуя иш қилса, койиб қўйинг, асло хафа бўлмайман”, дейишади. Назаримда, мана шу қадриятлар йўқолиб кетмаса, болаларимизнинг тарбиясидан ноқисликлар ҳам кўпайиб кетмайди.

Шу ўринда, бувижонлар родини ижро эта бошлаганимни айтиб ўтмоқчиман. Хусусан, яқинда “Оталар сўзи — ақлнинг кўзи” кўрсатувидан буви родини ўйнадим. Насиб қилса, Яратган яна қанча умр беришдан қатъи назар, шу юрт — янги Ўзбекистоннинг



бахтиёр болалари қалбига қувонч улашишга ўз ҳиссамни қўшавераман. Минг шўқри, юртимиз тинч, фарзандларимиз театру томошаларга эмин-эркин бориш бахтига муяссар. Қайсидир давлатларда болаларнинг болалиги йўқ. Бошпанасиз, оч қолиб, хору зор бўлиб юрилишибди. Уларнинг ўй-хаёли бугунини тинч ва тўқ ўтказиш билан банд. Бизда эса болалар ўзларининг бугунор оламида, болалиқни ҳис қилиб яшайпти. Илоҳим, кўз тегмасин!

“Янги Ўзбекистон” муҳбири Муножат МҲМИНОВА суҳбатлашди.



Зийеда АКБАРҚУЛОВА, Республика Маънавият ва маърифат маркази етакчи мутахассиси

ҲАР БИР БОЛАНИНГ ЎЗ ОИЛАСИ ВА МАҲАЛЛАСИ БЎЛСИН!

Урушдан сўнг, 1970 йилларда Шўхрат Аббосов томонидан суратга олинган ва дунё кинематографлари томонидан юксак баҳоланган “Сен етим эмассан!” фильми, ёзувчи Раҳмат Файзийнинг “Ҳазрати инсон” романи каби асарлар яратилишига Шомаҳмудовлар каби болажон, меҳридаре, ҳақиқий инсоний фазилатлар соҳиби бўлган оилалар асос бўлди. 1982 йилда Шомаҳмудовлар оиласи шарафига Тошкентда “Халқлар дўстлиги” монументи очилди. Бу монумент миллати, дини ва тугумлари фарқли оилаларда туғилиб ўсганига қарамай, опа-сингил, ака-ука бўлиб қайғуни енгган, ўзбекна таълим-тарбия олган болаларнинг чинакам меҳр-муруват топгани, халқлар дўстлиги иборасининг бир оила даврасидаги сийрати, десак айни ҳақиқат.

Кейинчалик жойи ўзгартирилган мазкур монументнинг “Халқлар дўстлиги” майдонига қайтарилши шарафати билан Президентимиз Шавкат Мирзиёев Шомаҳмудовлар ва улар каби оилалар томонидан қилинган эзгу ишлар ҳақида гапирар экан, ер юзиде жуда қамдан-кам давлат ва миллат бундай юксак инсонийлик фазилатлари билан гурурланиши мумкинлигини таъкидлаб: “...вақт ўтган сари Шомаҳмудовлар оиласи кўрсатган қаҳрамонликнинг аҳамияти ва қадри тобора ошиб бормоқда”, “...Бизнинг бағрикенглигимиз ота-бобомиздан қолган ва қолади. Илоийм, болаларимизга ҳам ўтсин”, дея чиройли ният билдирди.

Сўнги йилларда мамлакатимизда ижтимоий етимликнинг олдини олиш, Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган чин етим, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар сонини сезиларли равишда камайитириш, аҳоли ва ёшлар орасида соғлом оила қуришга масъулият билан ёндашишни тарғиб қилиш, оилавий муносабатларда маънавий-ахлоқий камолотни шакллантириш бўйича кенг қўлмали ишлар амалга оширилмоқда. Ижтимоий етимликни янада камайитириш, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, жисмонан соғлом ва маънавий етук авлодни тарбиялашда оиланинг

Иккинчи жаҳон уруши йиллари тошкентлик темирчи Шомаҳмудовлар оиласи турли миллатга мансуб 13 нафар болани асраб олгани довруғи тиллардан тилларга кўчди, ўлкалар бўйлаб тарқалди, ҳатто фронт майдонига етиб борди. Уруш оқибатида болаларидан айрилган катта лейтенант Левицкий Шомаҳмуд отага маошининг каттагина қисмини юборгани ва токи тирик экан, яна пул юбориб туришни ваъда бергани ҳақида маълумотлар бор. Левицкий болаларни вояга етказишга қандай қилиб бўлса-да, хисса қўшишни истаган. Шомаҳмуд ота эса Левицкийнинг бу ташаббусидан иймангани, сабаби ўз фарзандларини боқиб ўқун ўзгалардан пул олиб ўрганмаган эди. Яхши одамни ранжитишни истамаган Шомаҳмуд ота ўйлаб-ўйлаб, яна бир болани — украин Саня Бринининг ўз бағрига олди ҳамда фарзандлари сони 14 нафарга етди.

родини муштажамлаш мақсадида 2019 йил 11 февралда Президентимизнинг “Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Қарорга асосан, Меҳрибонлик уйларида зарур моддий-техник база билан таъминланган ўқув курслари, Уй-рўзгор академияси ташкил этилди. Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқларини қасқолатган ҳолда, “Ишонч телефонлари” орқали уларга ёрдам кўрсатиш тизими яратилди. Меҳрибонлик уйлари ва Болалар шаҳарчаларида зарур алоқа воситалари билан жиҳозланган алоҳида хоналар ажратилиб, “1006” ва “11960” қўсқа рақамли ишонч телефонлари узлуксиз ишлаши ва улардан тарбияланувчиларнинг эркин фойдаланиши таъминланди. Қар бир Меҳрибонлик уйига тарбияланувчилар сонидан қатъи назар, 1 нафардан психолог штати ажратилди.

Оила институтини муштажамлаш, ижтимоий етимликнинг олдини олиш, шунингдек, Меҳрибонлик уйларида боқрича-боқрич кам комплекти Болалар шаҳарчаларига ҳамда ижтимоий муассасаларнинг бошқа муқобил шаклларида ўтказиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги қарори билан “2019-2023 йилларда Меҳрибонлик уйларино ноинституционаллаштириш дастури” қабул қилинди.

Бу юртимизда истиқомат қилаётган болаларга, уларнинг ота-онаси бор-йўқлигидан қатъи назар, ўз оиласи, ўз маҳалласи бўлиши имконини яратди. Дарвоқе, БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси (ЮНФПА) гендер зўравонлик қурбонларини психологик реабилитация қилиш бўйича миллий мутахассиси Санжар Йўлдошев бола асраб олишга қарор қилган ҳар қандай оила дуч келадиган психологик муаммолар жамият маданияти, бошқалар ва қариндошлар муносабати, стереотиплар билан боғлиқлигини айтади. Шунингдек, экспертнинг фикрича, агар болаларни асраб олувчи оилалар ташкилий, ҳуқуқий ва ижтимоий масалалардан ташқари, муҳим психологик муаммолар устидан ишлаша, ушбу муаммоларнинг барчасини енгиб ўтиш мумкинлигини, одамларнинг нафақат “функционал”, балки “эмоционал” ота-она бўлиш учун ички психологик таъйириги муҳим аҳамиятга эгаллигини таъкидлайди.

Ҳар бир боланинг оиласи бўлиши унга улуг қадриятларимизни англаш, мунтазам ўтказиладиган оилавий урф-одатлар ва маросимларда иштирок этиш, ўзини ҳар томонлама тўлақонли ҳис қилиш имконини беради.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида сақлалади.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси — 236. Буюртма — 1784.
78817 нусхада босилди.
Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмаҳона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Бекқул Эгамқулов
Мусаҳҳир: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй